“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ

2022 йил 12 сентябрь **№ 02/2022** **Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 12 сентябрь 2022 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

Ш.Юнусов – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

“O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизматларини кўрсатишдан иборат бўлиб, мазкур жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган, Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарорига биноан “O’zagrolizing” АЖ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилди.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 19 августдаги 302-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан Ш.Юнусов – умумий йиғилиш раиси, А.Насирдинов ва Э.Қурбонов умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. **Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
2. **Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
3. **Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Юнусов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 19 августдаги 302-сонли қарорига асосан Саноқ комиссияси 3 кишидан, яъни Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда очиқ овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Саноқ комиссияси раиси этиб Д. Курбанбаев сайланганлиги тўғрисидаги 2022 йил 12 сентябрдаги 1-сонли баённомаси умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 37 646 028 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 2 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 600 906 дона)нинг 90,49 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисидаги 2022 йил 12 сентябрдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Юнусов, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Умумий йиғилиш Раиси Ш.Юнусов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 59-моддасига кўра, соф фойда тақсимоти акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилганини эслатиб ўтди.

Жамият акциядорларининг 2022 йил 28 июндаги йиллик умумий йиғилиш қарори билан жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ("Ўзмашлизинг" МЧЖ ва филиаллари билан биргаликда) олинган 20 376 218,2 минг сўм соф фойдасини

тақсимлаш масаласи жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига қолдирилганлигини таъкидлади.

Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги 204-сон баёни ҳамда жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 19 сентябрдаги 302-сонли йиғилиш қарори билан "O'zagrolizing" АЖнинг 2021 йил якуни бўйича ("Ўзмашлизинг" МЧЖ ва филиаллари билан биргаликда) олинган 20 376 218 200,0 сўм соф фойдасини тақсимлаш, дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш юзасидан қуйидагича тавсия этилгани билан таништирди.

- Захира фондига – 1 018 810 910,0 сўм;
- Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 14 933 554 972,4 сўм;
- Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;
- "Кузатув кенгаши тўғрисида Низом"га мувофиқ жамият бизнес-режа прогноз кўрсаткичларини бажаргани ҳамда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашнинг ижобий натижаларига эришгани муносабати билан Кузатув кенгаши котибига йиллик мукофот пули тўлашга – 27 600 000,0 сўм;
- "Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом"га мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлашга – 18 400 000,0 сўм;
- Активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантиришга – 4 365 177 317,6 сўм.

Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш йўли ва нақд пул билан тўлаш таклиф этди.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 358 сўм 79 тийиндан (номинал қийматнинг 14,15%).

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан (номинал қийматнинг 25 %) дивиденд тўлови амалга оширишни таклиф этди.

Шунингдек, амалдаги қонун талабларига кўра дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланиши лозимлигини билдирди.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2022 йилнинг 12 октябрдан ва тугаш санаси 2022 йилнинг 11 ноябрь қилиб белгилаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Юнусов умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар ўз ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Д. Курбанбаев умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди:

Санoқ комиссиясининг 2022 йил сентябрдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 2 дона бюллетен тарқатилди ва 2 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Санoқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 37 646 028 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 37 646 028 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар- йўқ.

3. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар - 37 646 028 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Санoқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санoқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Санoқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. “O’zagrolizing” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича (“Ўзмашлизинг” МЧЖ ва филиаллари билан биргаликда) олинган 20 376 218 200,0 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Захира фондига – 1 018 810 910,0 сўм;
- Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 14 933 554 972,4 сўм;
- Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;
- “Кузатув кенгаши тўғрисида Низом”га мувофиқ жамият бизнес-режа прогноз кўрсаткичларини бажаргани ҳамда корпоратив бошқарув

тизимини мустақил баҳолашнинг ижобий натижаларига эришгани муносабати билан Кузатув кенгаши котибига йиллик мукофот пули тўлашга – 27 600 000,0 сўм;

- “Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом”га мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлашга – 18 400 000,0 сўм;
- Активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантиришга – 4 365 177 317,6 сўм.

3.1. Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва накд пул билан тўлаш йўли билан амалга оширилсин;

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 358 сўм 79 тийиндан (номинал қийматнинг 14,15%);

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан (номинал қийматнинг 25 %) дивиденд тўлови амалга оширилсин.

Шунингдек, амалдаги қонун талабларига кўра дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивиденд тўловлари амалга оширилсин.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилсин.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2022 йилнинг 12 октябрдан ва тугаш санаси 2022 йилнинг 11 ноябрь қилиб белгилансин.

Умумий йиғилиш раиси **Ш.Юнусов**

Котиб **Б.Валиев**

Баён тузилган сана: «14» сентябр 2022 йил